





# ЯШАРАЁТГАН ВА ЁШАРАЁТГАН ТОШКЕНТ



(Давоми. Боши 1-бетда).

**— Ҳа. Истиқлол байрами арафасида кўпгина ноёб иншоотлар Тошкент кўркига-кўрк қўшди. «Оқшом» газеталари улар ҳақида ҳамшаҳарларимизни хабардор этиб турибдилар. Шундай бўлсада, пойтахтни обод этиш ва қайта қуриш юзасидан қилинган ишлар тўғрисида батафсилроқ гапириб берсангиз бўларди.**

— Такрор бўлса ҳам Тошкент бугунги кунда улкан қурилиш майдонига айланганлигини айтишим керак. Буни ҳамма кўриб турибди. Фақат шу йилнинг етти ойи давомида шаҳардаги қурилишлар учун 18,3 миллиард сўм йўналтирилди. Шу жумладан капитал маблағлар умумий ҳажмининг 48,3 фоизи моддий ишлаб чиқариш соҳасига, 51,7 фоизи эса номоддий ишлаб чиқариш соҳасига сарфланди. Бу бизга шаҳарда умумий майдони 238,5 минг квадрат метр бўлган уй-жойларни, 35,1 километр узунликдаги ичимлик сув, 19,3 километр оқава сув, 2,6 километр иссиқлик тармоқларини ва бошқа иншоотларни фойдаланишга топшириш имконини берди.

Анчагина маблағ ободонлаштириш иншоотлари қурилишига ва уларни таъмирлашга йўналтирилди. Бу қувонтирмаслиги мумкин эмас. Чунки аввалги пайтларда ободонлаштириш иншоотларига маблағлар қолдиқ принципи асосида ажратиларди. Шу сабабли шаҳарнинг бу тармоғи жуда оқсаб қолганди.

Бугунги кунда биз янги уй-жой мавзеларини, шаҳар маркази билан боғлаган кенг ва равон кўчаларни кўриб турибмиз. Эски шаҳарда Сағбон, Қорасарой, Форобий, Беруний кўчалари таъмирланиб, улар бўйлаб троллейбуслар қатнови йўлга қўйилди. Пойтахтнинг марказий қисмида Амир Темур кўчасидан Ҳамза кўчасигача бўлган қисмда Абдулла Қодирий, шунингдек Афросиёб, Туроб Тўла, Фарғона йўли кўчалари барпо этилди. Сергели, Қорақамиш, Белтепа, Жарариқ, Алгоритм ва бошқа мавзеларда ҳам янги замонавий шоҳ кўчалар барпо бўлди.

Германиянинг «Виртген» фирмаси технологияси ва техникасидан қўлланилган ҳолда умумий майдони 100 минг квадрат метрдан кўпроқ бўлган Пушкин, Генерал Узоқов, Улуғбек кўчалари таъмирланмоқда. Форобий кўчасини, Амир Темур хиёбонини таъмирлашда «Ўзйўлқурилиш» концерни, Сув хўжалиги вазирлиги, «Тошметроқурилиш», «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш», ирригация ва кўкаламзорлаштириш трестлари бўлинмалари ҳам иштирок этдилар.

Тошкентда шаҳар йўловчи транспорти тармоғини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган ва амалга ошириляпти. Бугунги кунда пойтахтда 114 та автобус, 21 та трамвай ва 25 та троллейбус йўналишларида, 33 та маршрутли такси йўналишида қатнов йўлга қўйилган. Кунига бу йўналишларга 2300 тадан кўпроқ транспорт воситалари чиқади. Улар бир кеча-кундузда 2 миллиондан кўпроқ йўловчиларни манзилларига элтиб қўядилар.

Шу билан бир қаторда бизни шаҳар йўловчи транспорти яхши ишламаётганлиги тўғрисида адолатли танқид қиладилар. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг ҳам йўловчи транспортига ҳақли эътирозлари кўп. Сизларга маълумки, яқинда Вазирлар Маҳкамаси Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи транспорти хизмати кўрсатишни тубдан яхшилашга қаратилган катта қарор қабул қилди. У биз учун ҳаракат дастури ҳисобланади. Шаҳар ҳокимлиги бу қарорни сўзсиз бажариш, транспорт хизмати кўрсатиш савиясини давр талаби даражасига кўтариш, барча турдаги шаҳар йўловчи транспортининг аниқ-пухта ишлашини таъминлаш учун ҳамма чора-тадбирларни кўради.

**— Вазирлар Маҳкамасининг шу йил ярим йиллик иш якунларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов Тошкент шаҳар саноати ишига юқори баҳо берди. Иқтисодиётнинг бу тармоғида ислоҳотлар қандай давом этмоқда?**

— Ҳақиқатан ҳам Тошкент саноати бу йил барқарор ишламоқда. Товар маҳсулоти ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш суръатлари ортмоқда. Шуни айтиш керакки, пойтахт саноати 1995 йилни ҳам муваффақиятли якунлаган эди. Ўтган йили бизда 1994 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 105,3 фоизни, истеъмол моллари тайёрлаш бўйича эса 104 фоизни ташкил этди.

Шаҳар корхоналари бу йил ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини ошириб бормоқдалар. Етти ойлик якунлари бўйича ўсиш суръати 121,8 фоизни, кенг истеъмол моллари бўйича эса 148,2 фоизни ташкил қилди. Амалда саноатнинг барча тармоқларида ўсиш суръатлари ортиб боряпти. Энг юқори кўрсаткичлар эса кимё ва нефть тармоқларида — 147 фоиз, озиқ-овқат саноатида — 165,9 фоиз, тиббиёт соҳасида — 2,3 баробар бўлди.

1995 йилда 1994 йилга нисбатан аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш уч баробарга кўпайди.

Юқорида хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари натижасида саноат ишлаб чиқаришида мулк шакли бўйича унинг таркиби сезиларли даражада ўзгарганлигини айтган эдим. Бугунги кунда барча товар маҳсулотларининг қарийб тўртдан уч қисми давлатга қарашли бўлмаган корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Ҳолбуки ўтган йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 53 фоизни, 1994 йилнинг биринчи ярмида эса 30,8 фоизни ташкил этган эди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда, айниқса, ҳиссадорлик жамиятларида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шу йилнинг биринчи ярмида умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 54,7 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди. 1994 йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич атиги 2 фоизни ташкил этарди.

Бундан ташқари саноат харидорлар талабига мос равишда ўз ишлаб чиқаришини тез ўзгартирадиган ва эҳтиёжларни тўлиқроқ қондира оладиган бўлиб қолди. Биз саноатни ривожлантиришнинг яқин ва олисроқ истиқбол режаларини, унинг таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаб олдик. Бунда шаҳардаги саноатнинг мавжуд салоҳиятидан янада самаралироқ фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу орқали эса ҳамшаҳарларимизнинг ўзимизда ишлаб чиқарилган юксак сифатли маҳсулотларга бўлган талаблари янада тўлароқ қондирилади.

Тошкентда хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма корхоналар ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. «ЎзДЭУэлектроникс», «Агрегат» заводи, «Юлдуз» акциядорлик жамияти, «Совпластитал», «Кока-кола», «Зафар» ва бошқалар шулар жумласидандир.

**— Бугунги кунда деҳқон бозорларида ноз-неъматларнинг, шаҳар дўконларида мол ва буюмларнинг жуда сероблигидан мамнун бўласан, киши. Аҳолиси 2 миллиондан кўпроқ бўлган Тошкент шаҳрини ҳамма нарсалар билан узлуксиз таъминлашнинг ўзи бўлмаётган бўлса керак. Ана шу масала қандай ҳал этилаяпти?**

— Ҳа. Сиз ҳақсиз. Чиндан ҳам бу осон масала эмас. Шунга қарамасдан биз ҳали камчиликлар бор бўлсада умуман бу муаммоларни изчил ҳал этиб келяпмиз. Шаҳардаги корхоналарнинг ўзида озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини муттасил ошириб бориш истеъмол бозорини тўлдиришнинг асосий манбаи бўляпти. Иккинчидан марказлаштирилмаган харид ҳисобига ҳам пештахталар тўлдирилмоқда. Шу билан бир қаторда биз деҳқон бозорлари ишини яхшилаш, савдо корхоналарида хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Шаҳарда савдо корхоналари тармоғини ривожлантириш, уларни энг замонавий жиҳозлар билан таъминлашга катта аҳамият беріляпти. Пойтахтда ҳозир 7 та супермаркет ишлаб турибди. Мустақиллик кунининг 5 йиллигигача эса ана шундай супермаркетлар Акмал Икромов, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек ва Сергели туманларида ҳам ўз эшикларини очади.

Тошкентдаги 20 та бозор негизида 12 та ҳиссадорлик жамияти ташкил этилди. Бу ҳозирнинг ўзида улар даромадини 1,5 бараварга ошириш имконини берди. Биз янги деҳқон бозорларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ишларини давом эттиряпмиз. «Отчопар» буюмлар бозорининг иккинчи навбати, «Бектемир», «Миробод» ва бошқа бозорлар фойдаланишга топширишга тайёр қилиб қўйилди.

**— Анъана бўйича Мустақиллик байрамининг асосий тантаналари пойтахтда бўлиб ўтади. Халқимизнинг энг улуғ байрами Тошкентда қандай нишонланиши ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**



## ЎЗБЕКИСТОН—

— Мустақиллик куни халқимиз ҳаётидаги энг улуғ тарихий воқеадир. 1991 йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон халқи ўз тақдирини, ўз тараққиёти йўлини белгилаб олди. Мана Истиқлолимизнинг 5 йиллигини ҳам нишонлаяпмиз. Шу кунларга етганлигимиз учун, беш йиллик тантаналарини кўриш насиб этгани учун ҳар қанча шукроналар билдирсак арзийди. Истиқлол шодиёналари одамларимиз қалбида Мустақилликдан ғурурланиш, фахрланиш туйғусини янада кучайтиришга хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Ҳақиқатан ҳам Мустақиллик байрамининг асосий тантаналари Тошкентда бўлиб ўтади. Улар 31 август куни пойтахтнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида бошланади. Бу майдон ҳозирги пайтда худди шаҳримиздек янада яшариб ва ёшариб кетган. Бу ерда 10 минг томошабин ўрни бўлган улкан саҳна барпо этилди. Байрам тантаналарининг дастури ғоят ранг-баранг. Уларни ўз кўзларимиз билан кўрганимиз маъқул.

1 сентябрь куни эса Мустақиллик, Халқлар дўстлиги, Хадра, Мирзо Улуғбек майдонларида, Амир Темур хиёбони, Алишер Навоий номидаги театр олдидаги майдон, Сайилгоҳ кўчаси ва Анҳор соҳилида байрам шодиёналари давом этади.

Ушбу тадбирларни ўтказишда шаҳардаги барча туман ҳокимликлари, корхона ва ташкилотлар, муассасалар иштирок этмоқдалар. Улар фаолияти ташкил этилган шаҳар қароргоҳи томонидан мувофиқлаштириб турилди.

Байрамга саноқли кунлар қолди. Ишончингиз комил бўлсин, биз Истиқлол шодиёналари юксак савияда ўтиши, барча уларнинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканлигини ҳис этиши учун ҳамма нарсани қиламиз.

**— Байрамга байрамлар уланяпти. Тошкентда Истиқлол шодиёналаридан сўнг буюк бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллиги ҳам кенг нишонланади. Бу санага тайёргарлик ишлари қандай кетяпти?**

— Амир Темурнинг 660 йиллик тўйига тайёргарлик ишлари 1995 йилдаёқ, республикамиз ҳукуматининг шу ҳақдаги қарори чиқиши биланоқ бошланган эди. Ўзингиз кўриб турганингиздек, пойтахт марказида Темурийлар тарихи давлат музейининг муҳташам биноси қад ростлади. Пойтахтда «Амир Темур даври мероси ва ҳозирги давр» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Шаҳар маҳаллаларида белгиланган режа асосида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Соҳибқирон тўйи кунлари Тошкентда Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтади. Ҳозир бунга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етиб қолди.

**— Сиз амалиётчи эканлигингизни биламиз. Шундай бўлса ҳам келинг: бироз хаёллар оғушига берилиб, мана, 2001 йилнинг сентябри эшик қоқяпти ва биз Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўряпмиз, деб тасаввур қилайлик. Келгуси аср бошида Тошкент қандай қиёфада бўлади?**

— Саволингиз қизиқарли, аммо осон эмас. Шундай бўлсада, уни мен учун кутилмаган савол, деб бўлмайди. Чунки шаҳар ҳокимлигида Тошкентни келгуси асрда ривожлантириш масалалари кўп марта кўриб чиқилган ва кўриб чиқилмоқда. Бунда биз турли лойиҳа ва режаларни муҳокама этмоқдамиз. Ўша даврда амалга ошириладиган ишларнинг дастлабки хомакилари ҳам мавжуд. Яқин вақтда шаҳарнинг Бош режаси узил-кесил тасдиқланиши ҳисобга олинган ҳолда бу лойиҳаларга тегишли ўзгартишлар киритиш давом этяпти.

Мен вақтдан ўзиб, пойтахтимиз Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллиги байрам қилинадиган кунларда қандай бўлиши тўғрисида батафсил гапирмоқчимасман. Лекин бир нарсани қатъий айтишим мумкинки, шаҳримиз янада гўзал ва обод бўлади. Тошкент маркази мустақил давлат пойтахтидек тўла шаклланиб бўлади. Албатта янги уй-жой мавзелари, ноёб иншоотлар, замонавий шоҳ кўчалар, турли-туман маданий-маиший бинолар қад кўтаради.

**— Козим Носирович, ана шу байрам кунларида тошкентликларга қандай истаклар билдирмоқчисиз?**

— Ҳамма ҳамшаҳарларимизга энг аввало мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман. Улар ҳур ва мустақил давлатимиз порлоқ келажагини яқинлаштириш учун куч ва ғайратларини, билим ва тажрибаларини аямасликларига қатъий ишонаман.

Суҳбатни Эркин ЭРНАЗАРОВ олиб борди.



## ОЛАМШУМУЛ БЕШ ЙИЛ

**1991 йил**

• 31 август. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинди.

• 1 сентябрь. Биринчи марта Мустақиллик байрами нишонланди.

• 30 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари ҳақидаги Қонунга конституцион мақом бериш ҳақида қонун қабул қилинди.

• 18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғи ҳақида қонун қабул қилинди.

• 29 декабрь. Илк бор демократик асосда президентлик сайлови бўлиб ўтди.

**1992 йил**

• 30 январь. Ўзбекистон Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашига қабул қилинди.

• 2 март. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

• 10 март. Ўзбекистон Шимолий Атлантика Ҳамкорлиги Кенгашига қабул қилинди.

• 2 июль. Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби ҳақида қонун қабул қилинди.

• 8 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида Қонун қабул қилинди.

• 10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси ҳақида қонун қабул қилинди.

**1993 йил**

• 2 март. Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз — умумхалқ байрами» ҳақидаги қарори эълон қилинди.

• 18 июнь. Президент Ислом Каримов Швейцариянинг Давос шаҳридаги халқаро иқтисодиёт ташкилотининг сессиясида нутқ сўзлади.

• 20 июль. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Башир Малик юртбошимизга ишонч ёрлиғини топширди.

• 31 август. Тошкент марказида Амир Темур ҳайкали очилди.

• 2 сентябрь. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси тўғрисида» қонун қабул қилинди.

• 26-28 сентябрь. Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сўзлади.

**1994 йил**

• 21 январь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

• 13 апрель. Президент Ислом Каримов Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранчни қабул қилди.

• 5 май. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва олий нишон — «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик» ва «Дўстлик» орденлари, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари таъсис этилди.

• 28 май. Илк бор Президент Кубоги учун теннис бўйича халқаро турнир бошланди.

• 18 июнь. Хоразмда Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида дастлабки «Мерседес-Бенц» юк машиналари йиғилди.

• 6 декабрь. Тошкентда буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий таваллуд топган куннинг 100 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Адиб номи билан аталувчи Тошкентдаги маданият ва истироҳат боғида унга ҳайкал ўрнатилди.

• 25 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

**1995 йил**

• 23—24 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

• 14 сентябрь. Тошкент Давлат университетига Мирзо Улуғбек номи берилди.

• 3 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси очилди.

• 24 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эллик йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида нутқ сўзлади.

• 2 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг вакиллари билан учрашди.

• 21 ноябрь. Тошкентда «Туркистон» саройида Марказий Осиё мамлакатлари қардош халқлари вакиллари қурултойи бўлди.

• 5 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида қўшиқлар кўрик-танлови ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

• 26 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «1996 йилни «Амир Темир йили» деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.







